

«ТАСДИКЛАНГАН»

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ»

АЖ акциядорларининг 2020 йил

14 июлдаги ўмумий йиғилиш

қарорига мувофиқ



«CHORSU BUYUM SAVDO KOMPLEKSI»

Акциядорлик жамиятининг

2020 йил учун

БИЗНЕС-РЕЖАСИ

ИШ МАЗМУНИ

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖ аҳолининг ноозик-овкат маҳсулотарига булган эhtiёжини туларок кондиршга каратилган талаб ва таклифлар асосида уз фаолиятини ташкил этади.

Манзили: Тошкент шаҳри , Шайхантахур тумани , Зайкарнар кучаси 1 уйда жойлашган булиб, умумий майдони 2,1 гектар иборат.

ТУШУНТИРИШ АХБАРОТИ

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» акциядорлик жамияти амалдаги конун хужжатларига мувофик фаолият олиб боради ва жамият хуҳудида тадбиркорлар ассосан жамият томонидан берилган савдо жойлари буюм маҳсулотлари билан савдо килишади.

Савдо комплексининг хизматлар курсатишда , савдо комплекси хуҳудидаги ер участкалари , бинолар ва иншоотларни ижара беришдан , шунингдек патта туловини ундиришдан олинадиган даромадларидан умумдавлат ва маҳаллий соликлар олинмайди.

Даромадлар умумий микдоридан 3,2 % мажбурий ажратмалар туланади ва колган даромаднинг 50 % фоизи савдо комплекси маъмурияти ихтиерида колади ва улардан жорий харажатларни коплашда , реконструкция килишда ,ободонлаштиришда, савдо комплекси томонидан курсатиладиган хизматлар руйхатини кенгайтиришда , сифатини яхшилашда , хамда акциядорларга дивиденд тулаш мақсадида фойдаланилади.

Колган 50 % фоизи белгиланган тартибда маҳаллий бюджетга утказилади .

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» акциядорлик жамияти фаолиятининг асосий турлари

Жамиятнинг асосий фаолият турларига куйидагилар киради :

- ижара хаки туловидан тушумлар;
- савдо комплексининг хуҳудида жойлашган ва уларнинг тасарруфидаги ер участкалари , бинолар ва иншоотларни ижарага беришдан олинган тушумлар;
- сотувчилар ва харидорларга хизматлар курсатишдан олинган даромадлар;
- конун хужжатларига зид булмаган бошка тушумлар савдо комплекси даромадларнинг манбалари хисобланади.

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» акциядорлик жамияти муассислари.

Жамиятнинг низом фонди 1.040.000.000 сумни ташкил этади ва муассислар уртасида куйидаги тартибда таксимланади:

- Тошкент шаҳар ҳокимияти улуши – 96,7 % ,
- Эркин савдо ва меҳнат жамоаси улуши – 3,3 % ,

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» акциядорлик жамияти ташкил этиш боскичлари
ва молиявий таъминоти

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖда истеъмом товарлари билан савдо килишга:

Савдо килиш ҳукуки учун белгиланган тартибда берилган рухсат гувоҳномасига эга булган:

Савдо комплексида савдо урнини ижарага олиш шартномасини тузган юридик шахслар ва якка тартибдаги тадбиркорлар киритилади .

Савдо комплексининг иш тартиби:

Савдо комплекси ҳар куни соат 8-00 дан 18-00 гача , ёз даврида эса соат 19-00 гача ишлайди:

Савдо комплекси ҳудудига кириш бепул:

Дам олиш (санитария) куни – душамба:

Тадбиркорлик субъектлари иш уринларини тайёрлаш учун савдо комплексига эрталаб соат 6-00 дан бошлаб киритилади.

Савдо комплексидаги савдо уринлари сони Тошкент шаҳар ҳокими томонидан тасдикланади.

Тошкент шаҳар ҳокимлиги савдо комплекси томонидан тақдим этиладиган маълумот асосида мавжуд буш савдо уринларининг доимий тезкор ҳисобини юритади.

Савдо комплексида озик-овкат товарлари билан савдо килишга белгиланган тартибда факат юридик шахслар томонидан тургун чакана савдо шаҳобчалари оркали рухсат этилади.

Жамиятнинг дастлабки низом жамғармасининг тулов шакли «ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖнинг мол-мулки қиймати ҳисобланади.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИНИНГ БОШКАРУВ ВА ИЖРО ТУЗИЛМАСИ.

Юқори бошқарув органи акциядорларнинг Умумий йиғилиши бўлиб, унинг ваколатига:

- жамият уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш ёки жамиятнинг янги тахрирдаги уставини тасдиқлаш;
- жамиятни қайта ташкил этиш;
- жамиятни тугатиш, тугатиш комиссиясини тайинлаш, ҳамда оралик ва якуний тугатиш балансларини тасдиқлаш;
- жамият кузатув кенгашининг миқдор таркибини белгилаш, унинг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатлари муддатидан илгари тўхтатиш;
- эълон қилинган акцияларнинг энг кўп миқдорини белгилаш;
- жамиятнинг устав низомини қўпайтириш;
- жамиятнинг устав низомини камайитириш;
- ўз акцияларини қайтариб сотиб олиш;
- жамият тафтиш комиссиясининг аъзоларини сайлаш ва уларнинг ваколатларини муддатидан илгари тўхтатиш;
- жамиятнинг аудиторини тасдиқлаш;
- жамиятнинг йиллик ҳисоботларини бухгалтерия балансларини, фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарлари ҳисоб варағини тасдиқлаш, унинг фойда ва зарарларини тасдиқлаш;
- акцияларга айирбошладиган қимматли қоғозларни сотиб олишда акциядорнинг имтиёзли ҳуқуқини қўлламаслик тўғрисида;

- акцияларни майдалаш ва йириклаштириш.

Жамиятнинг жорий фаолияти бошқарувини амалга оширувчи ижроия органи булиб, жамиятнинг жамоа органи номидан бошқарув раиси ҳисобланади. Жамият директор, жамиятнинг ижроия органи булиб ҳисобланади. Бошқарув жамиятнинг барча ишлаб-чиқариш фаолиятини бошқаради.

Жамият ижроия органи ваколати доирасига жамиятнинг жорий бошқарувининг барча саволлари киради, жамият акциядорларининг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши ваколати доираси бундан мустасно.

Жамият ижроия органи акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши қарорларининг бажарилишини ташкиллаштиради. Жамият бошқарувининг микдорий тартибини бошқарув раисига тақдим этган ҳолда, акциядорлар умумий йиғилишида қабул қилинган тартибдаги маъмурий ҳужалик ҳаражатлар сметаси чегараси доирасида Кузатув Кенгаши аниқлайди.

Жамият директорининг асосий вазифаси-жамиат ривожланиши мақсадларига эришиш учун тактик қўлланмалар усулларини амалга оширишда изланишлар олиб бориш, жамиятнинг даромадлигини доимо ошириб боришдир.

АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТНИНГ НАЗОРАТ ОРГАНЛАРИ.

Акциядорларнинг умумий йиғилиши ва Кузатув Кенгаши бошқарув функцияларидан ташқари, ижроия органининг ҳаракати устидан назорат фаолиятини амалга оширади.

«Акциядорлик жамиятлари ва акциядорлар ҳуқуқини ҳимоя қилиш тугрисида»ги Қонунга асосан, акциядорлик жамиятида молиявий фаолиятни назорат қилувчи махсус орган қўзда тутилган булиб, тафтиш хайъати 3 кишидан таркиб топган.

ЖАМИЯТ ИЖРОИЯ ОРГАНИ

Жамият ижроия органи, жамият директор бўлиб, жамият директор уринбосари унинг ишини юритади.

Жамият директор, жамият Кузатув Кенгаши ва акциядорларнинг умумий мажлиси ваколатига қирмаган барча ишларни амалга оширади.

Жамият директор акциядорларнинг умумий мажлисида 1 йил муддатга сайланади.

Жамият директор вазифаси жамият ривожини учун, унинг соф фойдасини қўпайтиришга қаратилган.

Жамият директор, ишчи ходимларни бажараётган иш қўлами, унинг сифатига қараб моддий ва маънавий рағбатлантириш ишларини олиб боради.

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖ хизматлари истеъмолчилари фаолиятининг ҳуқуқий режими.

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖнинг асосий истеъмолчиларидан булиб, доимий асосда савдо фаолиятини амалга оширувчи, жисмоний ва юридик шахслар ҳисобланади. Хусусий тадбиркорлар томонидан истеъмол қилинадиган хизматлар улуши жамият фаолиятининг асосий қисмини ташкил этади.

Жамият хизматларининг асосий истеъмолчиларининг фаолиятини тартибга солувчи маъёрий ҳужжатлар чиқди, булар:

- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2000 ЙИЛ 12 АВГУСТДАГИ САВДО КОМПЛЕКСЛАР ФАОЛИЯТИНИ ТАШКИЛ ЭТИШНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ТУГРИСИДАГИ 315-СОНЛИ КАРОРИ;
- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2012 ЙИЛ 28 АВГУСТДАГИ 253-СОНЛИ КАРОРИ;
- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 26 НОЯБРДАГИ ЮРИДИК ВА ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РУЙХАТДАН УТКАЗИШНИ ХАМДА УЛАР ТОМОНИДАН САВДО ФАОЛИЯТИ АМАЛГА ОШИРИЛИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУГРИСИДАГИ 407-СОНЛИ КАРОРИ;
- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2002 ЙИЛ 6 МАЙДАГИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАР ТОМОНИДАН УЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ХУДУДИГА ТОВАРЛАР ОЛИБ КЕЛИШНИНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ТУГРИСИДАГИ 154-СОНЛИ КАРОРИ;
- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 12 АВГУСТДАГИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЖИСМОНИЙ ШАХСЛАРНИ РУЙХАТДАН УТКАЗИШНИ ТАРТИБГА СОЛИШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ ТУГРИСИДАГИ 387-СОНЛИ КАРОРИ;
- ВАЗИРЛАР МАХКАМАСИНИНГ 2004 ЙИЛ 2 СЕНТЯБРДАГИ ТИЖОРАТ ФАОЛИЯТИ УЧУН МУЛЖАЛЛАНГАН ТОВАРЛАРНИ ОЛИБ КЕЛУВЧИ ЮРИДИК ШАХС БУЛМАГАН ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОРЛАРНИ ДАВЛАТ РУЙХАТИДАН УТКАЗИШ, ХИСОБГА КУЙИШ ВА ИМПОРТ ОПЕРАЦИЯЛАРИ СУБЪЕКТЛАРИНИНГ ОЛИШ КАРТАЛАРИНИ БЕРИШ ТАРТИБИ ТУГРИСИДАГИ НИЗОМНИ ТАСДИКЛАШ ХАКИДАГИ 413-СОНЛИ КАРОРИ.
- БОШКА МАЪЁРИЙ ХУЖЖАТЛАР

«ЧОРСУ БУЮМ САВДО КОМПЛЕКСИ» АЖнинг ревожлантириши ташкил этувчи омиллар.

Молиявий ривожланиш, нархлар ва жамият фаолиятининг фиксал режими;

- Жамиятни жисмоний ривожланиши;
- Жамият имиджи;
- Жамият хизматлари нархлари;
- Жамиятнинг шахсий савдо фаолияти;
- Жамият томонидан истеъмол қилинадиган хизмат ва махсулотларга нархлар;
- Солиқ режими;
- Банк кредитланишининг нархи ва шартлари;
- Инфляциянинг миқдори ва тезлиги;
- Энг кам иш хаки миқдорини ўзгариши;
- Низом жамғармасининг миқдори, акциялар чиқарилиши, дивидентларни тўлаш частотаси.

Жамият бошқаруви кадрлар сиёсатида асосий меҳнат жамоасини саклаб қолишга интилади , анъанавий рағбатлантириш шакилларида ташқари, шунингдек ёрликлар бериш орқали маънавий рағбатлантириш , меҳнат дафтарчасига рағбатланиш ёзувлари ва бошқаларни амалга оширади. Куйи ихтисосли ишларда ,бу мақсадга мувофиқ бўлса , ишчи кучини жалб этади ёки асосий жамғармалар қисмини ижарага беради (масалан арава,автотухташ жойи ва бошқалар). Юқори ихтисосли фаолият турларида бошқарув вақти-вақти билан вақтинчалик ишчи кучини шартнома асосида жалб этади.

Жамияти томонидан тасдикланадиган даромадлар ва харажатлар сметасининг харажат қисмида белгиланган маблаг доирасида иш олиб борилади. Имкон даражасида кам маблаг ишлатилиб , режалаштирилган харажатларидан иктисод қилишини кузда тутилади.

Шу билан бирга жамият томонидан 2020 йил давомида бир қатор хайрия ишларини ҳам амалга ошириш , тумандаги меҳрибонлик уёларига , навруз умумхалқ байрами , мустақиллик , хайит ва янги йил байрамлари муносабати билан байрам дастурхонлари ташкил этилиши амалга оширилади.

КУРСАТКИЧЛАР СЙК (КПЭ) БУЙИЧА ЖАМИЯТ ФАОЛИЯТИ САМАРАДОРЛИГИНИ БАХОЛАШ МЕЗОНЛАРИ.

N	Кўрсаткичлар	1-чорак		2-чорак		3-чорак		4-чорак		Стандарт
		Удельный вес (ўзига ҳос тавгинини)	Прогнозное (мақсад)	Удельный вес (ўзига ҳос тавгинини)	Прогнозное (мақсад)	Удельный вес (ўзига ҳос тавгинини)	Прогнозное (мақсад)	Удельный вес (ўзига ҳос тавгинини)	Прогнозное (мақсад)	
1	Активлар бўйича қайтиш	30,0%	0,10	28,0%	0,12	28,0%	0,12	30,0 %	0,10	> 0,05
2	Мутлоқ ликвидлиги нисбати	2,0%	0,15	2,0%	0,15	2,0%	0,15	2,0%	0,15	> 0,2
3	Молиявий мустақил нисбати	33,0%	8,00	35,0%	7,00	35,0%	9,00	33,0%	8,00	> 1
4	Кун тўланадиган айланмаси ҳисоби	0,0%	60,0	0,0%	60,0	0,0%	60,0	0,0%	60,0	<91
5	Кун дебиторлик айланмаси ҳисоби	0,0%	60,0	0,0%	60,0	0,0%	60,0	0,0%	60,0	<91
6	Қамров даражаси (Қайта суғурталанувчиларнинг тўлов қобилияти)	35,0%	5,00	35,0%	5,00	35,0%	5,00	35,0%	5,00	> 1,25
7	Дивиденд ҳосили									
8	Дебиторлик ҳисобини камайти-риш кўрсатқачи (ўрнатиш учун % вазифа)									
Всего (ИКЭ):		100		100		100		100		

ДИВИДЕНДЛАР

Жамият акциядорларига йилига бир ёки икки маротаба олинган соф фойдасига қараб, жамият акциядорларнинг умумий мажлиси қарори асосида оралик ва якуний дивидендлар бериш ҳуқуқига эга, дивидендлар пул ўтказиш ва “Ипотека банк” АТБ банкининг Шайхонтохур филиали орқали, қонунда белгиланган вақтларда тарқатилади.

ЖАМИЯТ ТОМОНИДАН 2020 ЙИЛ ДАВОМИДА АМАЛГА ОШИРИЛАДИГАН ИШЛАР РЕЖАСИ

- Жамият фаолиятини янада ривожлантириш, даромадларини ошириш, янги савдо нуқталарини ташкил этиш.
- Янги иш жойлари барпо этиш.
- Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 28 августдаги 253-сонли қарорига мувофиқ стационар савдо шаҳобчалари сонини кўпайтириш ва ижара тушумларини ошириш.
- Жамият Уставида белгиланган бошқа хизматларни кўрсатиш.

БОШҚА АСОСИЙ РЕЖАЛАР

Жамиятнинг 2019 йилдаги фаолиятида соҳага тегишли Ўзбекистон Республикаси Президенти Фармони ва Қарорлари, Вазирлар Маҳкамасининг Қарорлари ва юртбошимизнинг маърузаларида кўтарилган масалаларни бажаришга асосий эътибор берилади. Хусусан, барча ҳаётий масалалар бошқарув ижроия органининг кундалик режавий йиғилишларида атрофлича муҳокама қилиниб, белгиланган тadbир ва қабул қилинган қарорлар асосида иш олиб борилади.

Жамиятнинг 2020 йил учун истикболли режаларида асосий эътиборни бутун куч ва бор имкониятларни биринчи навбатда Умумий йиғилиш ва Кузатув Кенгаши томонидан белгиланган режаларни ошириб бажарилиш, ортиқча харажатларни вужудга келмаслиги, солиқ ва мажбурий тўловларни ўз вақтида тўланиши, ҳамда жамиятнинг ривожлантириш чоралари кўрилади.

"Чорсу буюм савдо комплекси" АЖ

директори в.в.б



М.М.Нигмаджанов